

## СОҲАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ДАРСНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

*С.А.Курбанова*

*ЎР ИИБ Академияси катта ўқитувчиси  
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация:** Ушбу мақола чет тил ўқитувчилари дарс режаларини талбаларнинг соҳа тили ва чет тилида ўқиш компетенциясини ривожлантиришига мўлжаллаб ишлаб чиқишига ундайди. Бунда чет тил ўқитувчилари соҳа малака талаблари, намунавий дастури, дарс режалари ва уларнинг ўқитиш ва ўрганиш стратегиялари билан танишганларидан сўнг, чет тили дарслари учун талабаларга қизиқарли ва соҳа билимларини ривожлантиришига ёрдам берадиган қийин лексин удалаш имконияти мавжуд бўлган мавзулардан фойдаланиш, амалиётга ҳақиқий яроқли чет тил дарс режаларини яратишни бошлашлари қатъий тавсия этилади.

**Калим сўзлар:** дарс режаси, ёндашув, ўқитиш, дарс мавзуси, CBI/STEM технологияси

Маълумки, дарс режаси ёки конспекти бу муайян мавзунини талабаларга ўргатишнинг ёзма баёнидир. Одатда дарс режасининг мавжудлиги ўқитувчининг ўз ишига масъулиятли ёндашувининг инъикоси сифатида баҳоланади. Бундан ташқари дарслар мажмуини режалаштириш ўқитиш ва ўқиш мақсадларига аниқлик киритади. Ушбу ёзма ёндашув тизимли ташкил қилинса ўқитувчининг ўқитиш фаолиятини бошқаради. Яхши режалаштирилган чет тил дарси ўқитувчига ишонч билан ўқитишга ёрдам беради. Соҳа ўқитувчилари кўмагида чет тил ўқитувчилари қийин мавзулар бўйича дарс режаларини ишлаб чиқиш ва ўзларининг соҳага ихтисослашган кўрсатмалари(CBI)ни тайёрлаш имкониятига эга. Бундан ташқари, CBI/STEM бўйича “TESOL”, “Sourcebook Training” лари, вебинарлар ва малака оширишнинг масофавий турларида бошқа мутахассисликлар, хусусан, CLIL, EMI, ESP, EOP, EAP вакиллари билан қийин мавзуларни муҳокама қилиш орқали дарс режалари сифати ва самарадорлигини яхшилаши мумкин. Мавзулар чет тили ўқитувчиси учун қийин аммо, биолог талаба учун муҳимлигини аниқлаш фаолиятига тавсиф бериш ўринлидир. Чунки деярли барча чет тил ўқитувчиларига биологиянинг долзарб мавзуларига оид матнни ўргатиш қийин бўлиши табиий.

Улар бундай мавзуларни талабаларнинг диққат эътибори ва қизиқишини тортиши мумкин эканлигини инобатга олган ҳолда дарсда қўллашга ўрганишлари керак бўлади. Баъзи ўқитувчиларнинг таъкидлашича, бундай мавзулар чет тилини биладиган фан ўқитувчилари ёки мутахассислар томонидан ўқитилиши керак. Бироқ, етарли тайёргарлик билан, бу мавзуларни ўргатиш муаммоли бўлмаслиги мумкин. Бу ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриш масаласидир. Дарсга тайёргарлик кўриш учун бироз қўшимча куч ва вақт катта талаб қилинади, шунингдек ўқитувчи ўзи ўрганган одатий қолипдан фарқ қиладиган ва ўқитувчиларга дарсларини сезиларли даражада яхшилашга ёрдам берадиган технологияни ўзлаштириши керак бўлади. Шу ўринда ўқитувчиларни янги технологияни ўрганиб дарсда қўллашга мажбурлашдан кўра, уларнинг амалдаги ўқитишини кузатиб, улар афзал кўрган мавзуларни ўрганиш муҳимроқ деган

фикрларни таҳлил қилганда, бу амалда бажариш иложи йўқ тадбирлар эканлигига амин бўлдик. Чунки ҳар бир ўқитувчи ўзига хос индивидуал ўқитиш услубига эга бўлиб, исталган бир мавзу улар талқинида ўзгача маъно ва мазмун касб этади. Танланган мавзулар ва ушбу мавзуларни афзал кўриш сабабларининг кўрсатиб берилиши, чет тил ўқитувчисига айрим мавзулар нима учун қийин деб ҳисобланишидан қатъий назар, бу мавзулар ўқитилиши лозимлигини тушунтириб беради. Университет таълимида чет тил ўқитувчилари соҳа фани бўйича юқорида санаб ўтилган мавзуларни бошқалардан кўра ўқитишни афзал кўришининг сабаблари қуйидагича изоҳланиши мумкин:

- Мавзулар ҳаётий ва таниш нарсаларни тақдим этади;
  - Дарсни ташкил қилишда фойдаланиш учун тегишли ўқув материаллари (слайдлар, тарқатма материаллар, матнлар ва топшириқлар) ва тажриба мавжуд;
  - Маҳаллий ва хорижий манбалар деярли бир хил мазмунда эканлиги;
- Мавзулар ва дарс материаллари бир неча ихтисослик соҳаларига мос келади, демак ўқитувчи таниш мавзунини ўқитиши осон, ортиқча ҳаракат қилиши шарт эмас.

Шу ўринда танланадиган соҳага оид қийин мавзулар деган тушунчага ойдинлик киритиш керак. Чунки бу қийинлик чет тили ўқитувчиси учун қийин бўлиши мумкин, лекин талаба тушуниши ва қизиқиши учун осон бўлади. Ўқитувчилардан тўпланган фикрларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, 1-курс биология ихтисослиги талабалари учун фаннинг оммабоп тушунарли тилида ёзилган, тил даражаси бошланғич ёки элементар даражадаги, хизмат кўрсатиш соҳаларига оид мавзудаги матнлар чет тил дарсини самарали ташкил қилишга ёрдам беради. Масалан, Earthquakes, Formation of Clouds, Forces, Electrical Circuits, Constraints to Healthy Living: HIV/AIDS, Body Framework of Mammals, Magnets and non-magnets, Reflection of Light, Dispersal of Fruit and Seed, Pollination and Fertilization in Plants ва ҳақозо.

Кўриб турганимиздек, ўқитувчиларнинг баъзи мавзуларни қийин деб билишининг сабаблари ўқитувчидан ўқитувчига фарқ қилади. Бироқ, бунга баъзи типик сабабларни аниқлаш мумкин. Таҳлиллар ушбу сабабларни қуйидаги тартибда тақдим қилиш имкониятини берди:

- Чет тили ўқитувчилари билан биология соҳаси мутахассисларини қийин мавзуларни ўргатишда ёрдам бериш учун ҳамкорлик алоқаси мавжуд эмаслиги;
- Ўзбек талабалар аудиторияси учун мўлжалланган, соҳага оид қийин мавзуларни ўрганишга мосланган, тегишли дарслик ва ўқув материалларининг йўқлиги;
- Талабада мавжуд ўқув материалларини интернет орқали сотиб олиш учун маблағнинг етарли эмаслиги;
- Баъзи чет тил ўқитувчиларининг фан ва атроф-муҳитни ўрганишга қизиқиш даражасининг пастлиги ва кўникмалар мос келмаслиги;
- Ўқитувчиларнинг соҳага оид чет тилини ўқитишга етарли даражада малака ошириш ва тайёрлаш курсларининг мавжуд эмаслиги;
- Олий таълимгача бўлган босқичда талабаларнинг ихтисослик блоки имтиҳонларини топширишга эътибор қаратганлиги сабабли, чет тили фани бўйича амалий тил кўникмалар етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги. Шу сабаблардан бири натижасида мавзулар табиатан мавҳум, когнитив юклама(cognitive load) қийин бўлиб кўринади.

- қийин мавзулар инглиз тили ўқитувчисига мавҳум бўлиб кўринади, чунки улар инглиз тили ўқитувчисига таниш ҳақиқий ҳаётий вазиятларда кўринмайди.

- қийин мавзуларда ўқитувчилар фойдаланиши мумкин бўлган тегишли ўқув ресурс материаллари ва услубий таъминотнинг етишмаслиги бўлиши мумкин. Бу эса соҳа мутахассис ва экспертларининг тажрибаси маҳсулидир.

- Ўқитувчилар томонидан ўқитишнинг нотўғри методологиясининг фойдаланилиши натижасида ўқитишнинг қийинлашуви ва бунга гуруҳнинг катталигини сабаб сифатида кўрсатилади.

Ушбу муаммоларни ўқитиш жараёнларининг илғор стратегияларни қабул қилиш орқали бартараф этиш мумкин. Университетда фаолият юритаётган инглиз тили ўқитувчилари бошқа соҳа фанлари, жумладан биология ўқитувчиси сифатида фаолият юритиши мумкинлиги, агар мумкин бўлса дарсда зарур бўладиган шарт-шароитлар таҳлили ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар, кузатув ва илмий назариялар таҳлил қилиниши лозим. Бунда инглиз тили ўқитувчисининг асосий эътибори бўлажак биолог ўқитувчиларнинг ўқиш компетенциясини такомиллаштиришдан иборат бўлади. Умуман олганда ўқитувчи томонидан дарс жараёнининг соҳа мақсадларига мос ташкил қилиниши талабаларга соҳага оид маълумотларни хорижий тилда ўқишни ўргатиш ва мазмунини тушуниб тўғри хулосалар қилиш, ўз соҳаларини пухта ўрганишига ва кейинчалик ўқитиш фаолиятида соҳа ва тил билимлари бир-бирини мустаҳкамловчи омиллар сифатида ўз фаолиятда самарали фойдаланиш имкониятини бериши билан изоҳланади. Бунда дарс материаллари соҳа фанининг асосий мавзуларига оид турли жанрлар ва регистрларга оид манбалардан олинган матнларни ўз ичига олади ва инструкцияга асосланган топшириқлар турли ўқиш позицияларини қамраб олади. Ўқитувчи ва талаба инглиз тилини чет тили сифатида ўрганишда ўқиш усуллари, методлари ва стратегиялари ўқув режаси ва дастури, таълим контексти ва талаба мақсадига қараб фарқланишини билишлари керак бўлади.

#### **Фойдаланилган манбалар:**

1. Coyle D. Content and Language Integrated Learning, Motivating Learners and Teachers, 2006. 2. Marsh D. Content and Language Integrated Learning: The European Dimension – Actions, Trends and Foresight Potential, 2002.
3. Online Course: World learning: Content Based Instruction: Basic Concepts. In “Content Based Instruction” (). 2017
4. Tsvetkova N. Developing Intercultural Communicative Competence through CLIL (Content and Language Integrated Learning). BETA-IATEFL, 2003